

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**183 Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа иш-
лари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Ишлаб чиқиладиган инвестиция лойиҳалари сифатини янада ошириш, лойиҳалаштириш жараёнига лойиҳа ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш ишларига илғор хорижий тажрибага асосланган замонавий усуллари жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари хўжалик бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги «Ўзоғирнефтгазкимё-лойиҳа» — Ўзбекистон электроэнергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» Республика лойиҳа институтига (кейинги ўринларда — Институт) айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Институт иқтисодиётнинг базавий тармоқлари буюртмачи корхоналари билан тузилган шартномаларга мувофиқ инвестиция лойиҳаларининг, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош пудратчи сифатида тасдиқлансин.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналари буюртмачилари, геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефткимё ва металлургия саноати соҳасида, мазкур талабга қатъий ва сўзсиз риоя этилишини таъминласин.

3. Институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини, шу жумладан, ДТИА/ДТИХ ҳамда ТИА/ТИХни ишлаб чиқиш, хорижий лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаолди ҳужжатларни техник бошқариш ва Ўзбекистон Республикаси стандартлари соҳасидаги норматив ҳужжатларга мослаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли қарори билан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ тартибга солинадиган лойиҳалар бўйича (лойиҳалаштиришга доир қисмда) иқтисодиётнинг базавий тармоқлари лойиҳаларини техник жиҳатдан кузатиб бориш, лойиҳаларни тендер савдолари ташаббускорлари билан биргаликда олиб бориш ва уларга ҳамроҳлик қилиш;

иқтисодиётнинг базавий тармоқларини таркибий янгилаш концепциясини, тармоқ идоралари томонидан ишлаб чиқилган геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефткимё ва металлургия саноати объектларини мо-

дернизация ва техник реконструкция қилишни кўриб чиқиш ва келишувини амалга ошириш;

иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш ва модернизация қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киришиш учун тақдим этилган инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасида лойиҳалаштириш жараёнларига хорижий лойиҳа ва инжиниринг ташкилотларини жалб этган ҳолда, илғор чет эл тажрибасига асосланган лойиҳа ишларини ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

инвестиция лойиҳалари, лойиҳа (ишчи) ҳужжатларини мустақил ишлаб чиқиш йўналишини ривожлантириш, шунингдек, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда кейинчалик бош пудратчи функцияларини ўзига юклаган ҳолда, хорижий лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа (ишчи) ҳужжатларини мослаштириш;

инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини аниқ ишлаб чиқиш учун субпудратчилар сифатида маҳаллий ва хорижий ихтисослаштирилган лойиҳа институтларини, етакчи мутахассисларни танлов (тендер) асосида жалб этиш, шунингдек, уларнинг ишларини мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори унумдорлиги ва сифати, энергия ҳамда ресурс тежамкорлиги, шунингдек, экология стандартларининг замонавий талабларига жавоб берувчи илғор технология ва ускуналар жаҳон бозорини чуқур таҳлил қилишни амалга ошириш, республикага истиқболсиз, маънавий ва жисмоний эскирган ускуна ва технологиялар олиб килишини истисно қилиш;

лоyiҳалаштиришда илғор юқори технологияли, энергия тежамкор ускуналар ва технологияларни танлаб олиш;

Институтнинг Илмий-техника кенгашида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари лойиҳаолди ҳужжатларини кўриб чиқиш;

ва лойиҳа, лойиҳаолди ҳамда ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва тасдиқлашда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари илмий-техника ва эксперт кенгашлари билан узвий ҳамкорлик қилиш;

хорижда ишлаб чиқарилаётган замонавий ускуналар ва технологиялар, уларнинг техник ва ишлаб чиқариш-иқтисодий характеристикалари, самарадорлиги ва амалиётда синовдан ўтганлик даражаси, шунингдек, юқори технологияли ускуналарнинг асосий хорижий ишлаб чиқарувчилари ва етказиб берувчилари ҳамда фаолият тури бўйича технологияларни ишлаб чиқарувчи ва лицензияловчилар тўғрисида ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий янгилаш;

саноат корхоналарини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш бўйича хорижий инвесторлар ва компаниялардан келиб тушаётган маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш ҳамда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш йўли орқали жаҳон ва ички бозорларда юқори талабга эга рақобатдош

тайёр маҳсулот ва ярим тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

ускуналарга бўлган нархларнинг чекланган параметрлари, шунингдек, таклиф этилаётган технологияларга мувофиқ «тайёр ҳолда топшириш» лойиҳаларининг нархи бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари буюртмаси бўйича иқтисодиётнинг базавий тармоқлари инвестиция лойиҳаларини мустақил техник-иқтисодий экспертизасини ўтказиш.

4. Белгилансинки:

Институт давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди;

Институт фаолиятини мувофиқлаштириш Худудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари Комплексига юкланади;

Институтнинг асосий таркибий бўлинмалари этиб, лойиҳанинг бош муҳандислари томонидан (ЛБМ) бошқариладиган тармоқ бюрolari ҳисобланади, улар лойиҳани ишлаб чиқиш ва лойиҳани тўлиқ якунига етказгунга қадар техник жиҳатдан қузатувини ташкиллаштириш учун масъулдирлар;

ЛБМ бюрolari институтнинг истиқболли ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали мутахассис кадрлар билан бутланади;

иқтисодиётнинг базавий тармоқларида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари, фақат Институт илмий-техник кенгашининг ижобий хулосасидан кейин белгиланган тартибда ваколатли органларга экспертиза қилиш учун киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» Республика лойиҳа институти илмий-техник кенгаш аъзоларининг таркиби ваколатли вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари, мустақил компаниялар ва бошқаларнинг юқори малакали мутахассисларидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» Республика лойиҳа институтининг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 113 кишидан иборат тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Институт директори:

Институтнинг тасдиқланган тузилмасига белгиланган умумий ходимлар чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Худудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари Комплекси раҳбари билан келишган ҳолда унинг таркибий бўлинмалари ўртасида штат бирликлари сонини қайта тақсимлаш;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича тузилган

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

шартномаларга мувофиқ зарур мутахассислар кесимида ишлаб чиқариш ходимларини шартнома асосида зарур миқдорда қўшимча жалб қилиш ҳуқуқи берилсин:

Институт директори зиммасига Институт фаолиятини самарали ташкил этиш устидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Институтга истисно тариқасида:

иктисодиётнинг базавий тармоқлари лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда, ишларнинг алоҳида турлари бўйича ихтисослаштирилган субпудрат лойиҳа ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

танилган хорижий лойиҳа институтлари, консультантлар ва экспертлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳамда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини биргаликда ишлаб чиқиш бўйича консорциумлар ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Институтни молиялаштириш манбалари этиб, қуйидагилар белгилансин:

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга шартнома асосида ажратиладиган инвестиция лойиҳалари буюртмачилари, лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга ошириш, лойиҳалар амалга оширилишига техник ҳамроҳлик қилишдан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, Институтнинг ўз фаолиятидан олинadиган даромадлар;

ҳалқаро молия институтлари ва донор ташкилотларининг грантлари.

8. Институт Тошкент шаҳри, Мустақиллик проспекти, 66-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

9. Белгилансинки, институт директори буйруғи билан устав фаолиятдан ҳамда ажратилган мақсадли бюджет ажратмаларидан олинadиган даромадлар чегарасида Институт ходимлари иш ҳақларига ҳар ойлик қўшимчалар белгиланиши мумкин.

10. Институт фаолиятини таъминлаш харажатлари, шу жумладан, асосий хорижий каталоглар ва нашрларга обуна бўлиш, шунингдек, кўриб чиқилаётган лойиҳаларнинг мустақил экспертизадан ўтказиш учун мутахассисларни жалб қилиш лойиҳанинг умумий нархига киритилган, кўрсатилadиган хизматлар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» Республика лойиҳа институтининг фаолиятини ташкил этиш бўйича Комиссия таркиби 2-иловага* мувофиқ тузилсин.

Комиссия (А. Раматов) Институт фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: ушбу қарордан келиб чиқадиган талаблар ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Институт тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Институтни зарур билим ва иш, жумладан ДТИА/ДТИХ ва ТИА/ТИХ-

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

183-184-моддалар

— 12 —

12 (772)-сон

ларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан бутласин.

13. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон электроэнергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 13 июндаги ПҚ–377-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2010 йил 30 июлдаги ПҚ–1376-сонли қарори, «Ўзоғирнефт-газкимёлойиҳа» Институтини қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт Жамғармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 март,
ПҚ–2831-сон